

ИМОМ НАСОИЙ “АЛ-МУЖТАБО” АСАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА БОШҚА ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИ ИЧИДА ТУТГАН ЎРНИ

Имом Насойй ҳадис илми ривожига улкан ҳисса қўшган буюк муҳаддислардан биридир. Унинг “Ал-Мужтабо”, яъни “Танланган”, “Сараланган” деган маънони билдирувчи асари ўзига хос сабаблар билан вужудга келган. VIII асрда вужуд келган турли адашган фирқа ва оқимларнинг бузуқ ғоялари Имом Насойй даврида ҳам ривожланиб кетди. Соф ислом таълимотини издан чиқариш, соғлом эътиқодни бузишни мақсад қилган Муҳаммад ибн Саъийд Ал-Маслуб¹ каби **зиндиқлар**² пайдо бўлган. У ҳадисларни жамлаш, уларни ишончилиларини саралаш жараёнида кўп хатоларга йўл қўйган, жумладан, турли сиёсий ғояларни ҳимоя қилувчи мақсадли ўйлаб топилган тўқима ҳадисларни ҳам тўпламига киритиб тарқатган. Уни, *“Мен набийларнинг сўнгисиман, мендан кейин пайғамбар йўқ, фақат Аллоҳ ҳоҳласагина бўлиши мумкин”* каби тўқима ҳадисларни Пайғамбар алайҳиссалом номидан ривоят қилганлиги учун Халифа Абу Жаъфар ал-Мансур³ қатл эттирган. Ўша даврда амирлар ҳузурида юқори мавқега эришиш мақсадидаги **мутазаллифлар**⁴ ҳам авжига чиқа бошлади, улар ўзларининг ботил йўлларида далил сифатида сохта ва заиф ҳадислар тўқий бошладилар.

Ана шундай оғир бир шароитда саҳиҳ ҳадисларни ўрганиш, уларни алоҳида бир тўпламга жамлаш жуда долзарб масала эди. Имом Насойй ўзидан кўплаб асарларни мерос

қолдирган. Жумладан, тафсир, ҳадис, қироат, илми жадал (баҳс-мунозара илми), мусталаҳ ал-ҳадис (ҳадис илми атамалари), фикҳ, наҳв, усул, баён, тарих, адабиёт, табобат ва илм-фаннинг турли соҳаларига тегишли беш юздан ортиқ асарлари мавжуд. Дастлаб Имом Насойй ҳам Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини жамлаш мақсадида уюштирган сафарларида ҳадис ривоят қилган олимлардан эшитган барча ҳадисларни ёзиб олаверган, ишонарли саҳиҳ ҳадисларни саралашга кўп эътибор қаратмаган ва 12 000 га яқин ҳадиснинг ўз ичига олган, такрори⁵ жуда кам бўлган “Ас-Сунан ал-Кубро” (Катта суннатлар) китобини ёзган. Китоб Рамла⁶ амирига тақдим қилинган, амир китобга катта қизиқиш билдиради ва: “Унинг ичидаги ҳадисларнинг ҳаммаси ишонарлими?” деб сўрайди. Муҳаддис: “Йўқ”, деб жавоб беради. Амир: “Фақат ишонарли саҳиҳ ҳадислар жамлаш мақсадингиз йўқми, мен фақат саҳиҳ ҳадисларни саралашингизни хоҳлайман”, дейди. Шу воқеа сабаб бўлиб Насойй 5761 та ишонарли, такрори жуда кам бўлган ҳадислар жамланган китобини ёзади ва уни “Ас-Сунан ал-Суго” (Кичик суннатлар) ёхуд “Ал-Мужтабо” яъни “Сайланма ёки сараланган ҳадислар” деб номлади. Бугунги кунда олимлар ўз китобларида ҳадислардан далил келтириб *“Насойй ривояти”* деганларида айнан мазкур китобга ишора қиладилар. Ўз навбатида бу китоб вужудга келганидан кейин илм аҳли томонидан жуда яхши кутиб олинди. Жумладан, Ибн Рашид Фахрий⁷ асар ҳақида шундай деган: “Ал-Мужтабо” “Сунан” сийғасида ёзилган асарларнинг мартаба жиҳатидан биринчиси,

¹ Абу Қайс куняси ва ёлғончилиги билан машҳур Муҳаммад ибн Саъийд Шомий, манбаларда унинг номидан ривоят қилинган сохта ривоятлар маълум, муҳаддислар уни матрук ва заифлардан деган.

² Динбузарлар.

³ Аббосий халифалардан (халифалик даври милодий 754–775 йиллар).

⁴ Лаганбардор, хушомадгўй, тилёғламачи тоифаларга берилган ном.

⁵ Баъзи ҳадис тўпламларида кўп ҳадислар такрор келади.

⁶ Фаластин ҳудудидаги қадимий шаҳар.

⁷ Муҳибуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар Фихрий (1259–1320). Муҳаддис, факих ва муфассир.

тартибланиш жиҳатидан энг яхшиси бўлиб учта муҳим хусусияти бор, иккитаси буюк муҳаддис, Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг ҳадис жамлаш услублариданолинган бўлса, биттаси муаллифнинг ўзига хос йўлидир”. “Сунан” асарининг бобларини тартиблаш усули Имом Бухорий усубидадир. “Ҳаддасана”, “ахбарана” каби ибораларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор бериб, ўз ўринида ишлатиш эса Имом Муслим услубига мувофикдир. Бу услубда ривоят қилинаётганда ишлатилган иборада ҳадиснинг мартабасига таъсири бўлади. Масалан “ҳаддасана” ибораси билан ишлатилганда ҳадис ривоят қилаётган ровий ҳузурида бир неча эшитувчилар бор бўлади, агар “ҳаддасаний” ибораси ишлатилган бўлса, муҳаддис ҳадис айтаётган пайтда ровийнинг фақат бир ўзи эшитган бўлади.

Асардаги ҳадис ровийларининг барча ровийларга қўйилган шартларга кўра, ҳолатларини, ҳатто иллатларига баён қилиш эса Насойининг ўзига тегишли услубдир. Масалан: (4004-ҳадисда) *Имом Насойий дейди: Бизга Ҳажиб ибн Сулаймон Манжибий, у эса Ибн Абу Равводдан, у эса Ибн Журайждан, у эса Абдулаъло Саълабийдан, у эса Саъийд ибн Жубайрдан, у эса Ибн Аббосдан ривоят қилиб хабар бердики, кўп одам ўлдирган, бузуқчиликка муккасидан кетган бир қавм Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб: Эй Муҳаммад сен гапираётган ва чақираётган нарсанг жуда яхши, аммо бизлар шу кунгача қилиб келган ёмон ишларимизга каффорат бўладиган бирор иш ҳақида хабар берсангчи, дедилар. Шунда Аллоҳ таоло:*

“Улар Аллоҳга қўшиб, бошқа “илоҳ” га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлар)ни (имонсиз ҳолда) қилса гуноҳга уқубатга учрар, қиёмат кунда унга азоб бир неча баробар зийда қилинур ва у жойда хорланган ҳолда мангу қолур. Илло ким (шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ) ларини яхшилақ (савоб)ларга айлантириб қўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.” *Фурқон сурасини 68-70 оятларни нозил қилди.*

Бу ҳадис ровийлари 6 та бўлиб улар ҳақида Имом Насойий қуйидаги маълумотларни беради.

1. Ҳажиб ибн Сулаймон Манжибий машҳур куняси Абу Саъийд (*садук* – тўғри сўз,

яҳиму мавҳумлиги бор, аммо мавҳумлигига қарамасдан содиқлигига эътибор қаратган).

2. Ибн Абу Раввод Абдулмажид Абдулазиз ибн Абу Раввод (*садук* –тўғрисўз, *юхтиу* – хатога йўл қўйиб туради, *муржиъий* бўлган, Ибни Хиббон унга қаттиқроқ муносабатда бўлиб, уни *Матрук*, яъни ривоя қилган ҳадиси тарк қилиниши лозим бўлган одам деб билган).

3. Ибн Журайж, бу киши Абдулмалик Абдулазиз ибн Журайж Умавий (*сиқа*-ишончли, *фақиҳ*-олим, *фозил*-фозилатли киши, *юдалис*-гоҳо ёлғончи сифати ҳам кузатилган).

4. Абдулаъло ибн Омир Саълабий Кўфий (*садук* – тўғри сўз, *яҳмун*- мавҳумлиги бор).

5. Сайид ибн Жубайр Асадий Волибий (*сиқа*-ишончли, *сабт*-мустаҳкам, *фақиҳ* олим, *обид* ибодатгўй).

6. Ибн Аббос Абдуллоҳ розияллоҳа анҳумо. (*бахр*, *бахр*)-(бу сифат фақат Абдуллаҳ ибн Аббосга тегишли бўлиб, бу борада илми уммонлигига ишорадир) (валлоҳу аълам).

Исноднинг нозик жиҳатлари.

Бу ҳадис “*судасиёт*” яъни Муҳаммад алайҳиссаломдан Насойигача олти ровий иштирок этган ҳадислардан бўлиб, Насойининг шайхи Ҳажиб ибн Сулаймон Манжибий Абу Саъийддан бошқа барча ровийлари ишончлидир. Шунингдек, бу ҳадисда “*абодила*” тўтр Абдуллоҳлардан⁸ бири иштирок этган, бу ҳам ҳадис шарафин кўтаради. Кейинги давр муҳаддислари Насойининг “Ал-Мужтабо” асари устида ҳам муҳим тадқиқотлар олиб бориб, унда ривоят қилинган ҳадисларнинг ровийларига катта эътибор беришлик Имом Насойига хос хусусият деган хулосага келганлар.

Асарда жамланган ҳадисларнинг деярли ҳаммаси ишончли бўлганлиги, шунингдек ишонччилик мартабасига етмаган ҳадисларни иллати очик ёритилганлиги сабабли Насойидан кейинги авлод Имом Доракутний⁹, Имом Самъоний¹⁰ ва Имом Ҳоким¹¹каби машҳур муҳаддислар Насойининг “Сунан” асарига “Саҳиҳ ан-Насойий” деб ном берганлар.

⁸ Тўрт Абдуллоҳ: Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс.

⁹ Абу Ҳасан Али ибн Умар Доракутний (918–995). “Сунан ад-Доракутний” асари муаллифи.

¹⁰ Абу Музаффар Мансур ибн Муҳаммад Самъоний Марвазий (1035–1096). Муфассир, муҳаддис ва фақиҳ.

¹¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳоким Найсобурий (933–1012). “Ал-Мустадрок” асари муаллифи.

“Ал-Мужтабо” асарининг вужудга келиши, яъни Насойининг ўзи саралаганми ёки шогирдлари томонидан кейинчалик таълиф қилинганми, деган масалада турли хил қарашлар бор. Бу борада машхур муҳаддис Имом Миззий¹² ўзининг “Тухфа ал-Ашроф” китобида батафсил фикр юритиб, Имом Насойининг асосий китоби “Ас-Сунан ал-Кубро” экани, аммо “Ал-Мужтабо” асарини шогирди Абу Бакр Аҳмадибн Муҳаммад ибн Сунний “Сунан ал-Кубро” ичидан саралаб олиб китоб қилганлиги ҳақидаги фикрни илгари суради ва Имом Заҳабийнинг бирнеча асарларидан далиллар келтиради. Ибн Асир фикрига кўра, “Ал-Мужтабо” асарини Насойининг ўзи таълиф қилган. Бунга далил сифатида юқорида зикр қилинган Ралма шаҳри амири билан бўлиб ўтган тарихий воқеани келтиради. Аллома доктор Форук Ҳаммода ҳам Ибн Асир фикрини тасдиқлаб бир қанча қўшимча далилларни келтиради. Аввало, машхур муҳаддисларнинг “Ал-Мужтабо” асарини олтита энг ишончли манбанинг бири сифатида эътироф этишлари асар учун жуда катта мартабадир. Бу манбалар ичида Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг “Саҳиҳ” тўпламлари энг юқори мартабада эканлигини барча муҳаддислар тан олишган. Бу эътироф ҳадислар маърифати, иллатлиларини аниқлаш ва иснодлар илми каби соҳаларда Имом Насойини муқаддам қўйишликка монелик қилмайди. Бу масалада Имом Насойини Имом Муслимдан афзал кўриш, деганда “Ал-Мужтабо” асарини “Саҳиҳ” асарида устун кўриш эмас, балки Имом Насой мазкур соҳаларда чуқурроқ илмга эга бўлганлигини эътироф этишдир. Ибн Ражаб¹³ Имом Зухрийнинг¹⁴ сафдошлари ҳадис илми билан шуғулланиб тўплам қилишга уринганларни бешта табақага бўлганлигини келтиради. Охирги бешинчи табақага Ҳакам Айлия¹⁵, Абдулқуддус ибн Ҳабиб¹⁶, Баҳр ас-Сако¹⁷ ва Муҳаммад ибн Саъид Маслуб каби тўплаган ҳадислари мажхул (номаълум) ёки умуман тарк қилиниши лозим бўлган кишиларни киритган.

¹² Жамолитдин Абулхужжож Миззий лақаби билан машхур (х. 654–742).

¹³ Зайниддин Абулфараж Абдурахмон ибн Аҳмад. Ибн Ражаб куняси билан машхур бўлган (мил. 1335–1393). Муҳаддис ва факих.

¹⁴ Ибн Шихоб Қураший Зухрий (х. 58–124). Муҳаддиис, муаррих.

¹⁵ Ҳакам ибн Абдулоҳ Абу Абдуллоҳ Айлий.

¹⁶ Абдулқуддус ибн Ҳабиб Калойи Ваҳозий Шомий (ваф. 170 х.).

¹⁷ Баҳр ибн Канийз Боҳилий ас-Сако (ваф. 160 х.). Заиф ва матруклардан саналади.

Тўртта “Сунан” соҳиблари – Имом Насой, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можаларни бу табақага киритмаган. Ибн Ражаб ва Ибн Хажар Асқалоний каби ҳадис илмининг машхур муҳаккиқ (билимдон)лари Термизийнинг “Ал-Жомеъ” асарини Абу Довуд ва Насой “Сунан” асарларидан кейинги мартабага қўйганлар. Имом Заҳабий¹⁸: “Имом Термизийнинг “Ал-Жомеъ” асарида Муҳаммад ибн Саъид ал-Маслуб ва Калбийлардан¹⁹ қилинган ривоят орқали ҳадислар киритилганлиги учун Абу Довуд ва Насойининг “Сунан” асарлиридан мартабаси тушди”, деган.

Муҳаддислар Абу Довуд ва Насой асарлирида келган ҳадисларнинг даражалари, уларнинг бир-биридан афзаллиги борасидаги масалага ҳам атрофлича тўхталиб ўтганлар. Ҳадисларнинг ишонарли эканлигига қўйилган шартлар ҳар иккала муҳаддисда деярли бир хил, баъзи жиҳатлари билан бири бошқасидан фазилатли бўлиши мумкин. Ибн Манда²⁰ айтади: “Мисрда Муҳаммад Саъд Борудий: “Тарк қилинишига ижмо қилинмаган муҳаддислардан ҳадис ривоят қилиш Насойининг йўлларида эди, аммо Абу Довуд Сижистоний эса улардан ҳам ривоят қилган”, деган”.

Ҳар иккала “Сунан” асарини синчковлик билан ўрганиб чиққан ҳадис илмининг муҳаккиқ (билимдон)лари Имом Насойининг “Сунан” асаридаги фазилатларни қуйидагича ифодалайдилар:

Имом Насойини Абу Довудга нисбатан баъзи уламолар ҳадис ва илал (иллатли ҳадисларни аниқлаш) илмида билимдонроқ деганлар. Имом Заҳабий эса: “Насой ҳадис ва уларнинг иллати, иснодлари илми бўйича Муслим, Абу Довуд ва Абу Исолардан моҳирроқ бўлиб, Имом Бухорий ва Абу Зуръага²¹ яқиндир”. Бу ёндошув Насойининг “Сунан” асари Абу Довуднинг “Сунан” асарида афзаллигига очиқ-ойдин далил бўлмаса-да, Саҳовий²² айтганидек, ровийларнинг мажруҳ (ҳадис ривояти учун етарли сифатлар топилмаган

¹⁸ Шамсуддин Абу Абдулоҳ Заҳабий (мил. 1274–1348).

¹⁹ Ҳишом ибн Муҳаммад Калбий (мил. 738–819). Алий ибн Абу Толиб фазилатлари ҳақида “Дарҳақиқат, Алий ўлмаган, у дунёга қайтади...” каби тўқима ҳадислар ривоят қилганлиги туфайли заиф ва матруклар сафига киритилган.

²⁰ Ибн Манда номи билан машхур Абу Абдуллоҳ Маммад ибн Исҳоқ Асфажоний (922–1005 милодий йиллар). Хофиз, муҳаддис ва муаррих.

²¹ Абу Зуръа Убайдуллоҳ ибн Абдулқарим Розий (мил. 815–878).

²² Шамсуддин Абулхайр Муҳаммад ибн Абдурахмон (мил. 1427–1497). Муҳаддис, тарихчи.

ровий) сифатларини аниқлаш масаласида эътиборга сазовордир. Зеро, кўпинча муҳаддиснинг ровийлардаги мажруҳлик сифатларини аниқлай олиши асарида намоён бўлиб туради.

Ахли ҳадислардан бўлган кўплаб муҳаққиқлар фикрича, Насойнинг ҳадис қабул қилишдаги шартлари Абу Довуднинг шартларидан кучлидир. Ибн Ражаб айтади: “Насой қанча-қанча Абу Довуд ва Термизийлар ҳадис ривоят қилган ровийлардан, ҳатто, “Икки Саҳиҳ” тўпламда ривоятлари келган баъзи ровийларнинг ишончилигини қабул қилмай, улардан узоқ бўлган”. Имом Доракутнийнинг устози Саъд ибн Алий Занжоний шундай деган: “Дарҳақиқат, Абу Абдурамон Насойнинг ҳадис қабул қилишдаги шартлари Имом Бухорий ва Муслимлар шартларидан кучлироқдир”. Муҳаддислар Насойнинг “Сунан” асаридаги шартлар Абу Довуд шартларидан кучлилигини исботлаши Насой тўпламида ривоят қилинган ҳадисларнинг ишончлироқ эканига далолат қилса-да, бироқ, Насой “Сунан”идаги барча ҳадислар Абу Довуд “Сунан”идаги барча ҳадислардан ишончлироқ дегани эмас.

Насойнинг Абдуллоҳ ибн Лаҳиъа²³ каби заиф ровийлардан эҳтиёт бўлганлиги исботланган, аммо Абу Довуд ва Муслимлар ушбу ровийлардан ҳадис ривоят қилганлар. Насойнинг “Сунан” асари ҳам ишончли бўлмаган ровийлардан ривоят қилинган ҳадислардан ҳоли эмас. Аммо Абу Довуднинг асарида бу ҳолат кўпроқ учрайди. Ибн Ҳажар Аскалоний бу икки “Сунан” асарини “Жарҳ ва таъдил”, яъни ровийларнинг ишончли ёки ишончсизлигини аниқлайдиган илмга асосан ўрганиб чиқиб улардаги саҳиҳ даражасига чиқмаган ҳадисларни қиёсий баён қилган. Қуйидаги жадвалда унинг қиёсий таҳлилини кўришимиз мумкин.

Бу икки буюк муҳаддис ўз асарларини яратишда ҳадисларни санад ва матн жиҳатидан саломатлигини сақлашга жуда катта эътибор берганлар. Улардаги заиф ҳадислар сони, ишончли саҳиҳ ҳадислар сонининг олдида арзимас ҳисобланади. Юқоридаги таҳлилларга қараганда Абу Абдуллоҳ ибн Рашиднинг мазкур манбаларга берган хулосаси мўътадилдир. Яъни Имом Насойнинг китоби машҳур “Икки саҳиҳ” тўпламдан кейин заиф ҳадислари ва ишончсиз ровийлари энг кам бўлган китобдир. Бу китобга Абу Довуд ва Термизийларнинг китоблари яқиндир, бошқа жиҳатдан эса Ибн Можанинг китобини “Сунан” китобининг муқобилига қўйиш мумкин. Чунки Насой ҳадис қабул қилишда ишончли ровийларни шубҳали ёки турли хил иллатлардан холи бўлмаган ровийлардан саралашда моҳир муҳаддисдир”[12:484].

“Ал-Мужтабо” асарининг аҳамиятини уламоларнинг унга эътиборлари ва ёзган шарҳлардан ҳам аниқлаш мумкин.

1. Чоп этилган асарлар:

1. **“Заҳр ар-Рубо ала ал-Мужтабо”**. Муаллиф: Жалолиддин Суюутий. Бу китоб бир неча мартаба чоп этилган бўлиб, асл нусханинг баъзи сўзларига шарҳ ва изохлар берилган мухтасар шарҳдир.

2. **“Ҳошия ас-Синдий ала Сунан ан-Насой”**. Муаллиф: Шайх Абу Ҳасан Синдий. Бу китоб Жалолиддин Суюутий шарҳи билан чоп этилган.

3. **“Урф заҳр ар-Рубо”**. Муаллиф: Алий ибн Сулаймон Димантий Бужумъавий Мағрибий. Қоҳирадаги Ваҳбия нашриётида 1299 хижрий санада чоп этилган.

4. **“Ал-Файд ас-Самои ала Сунан ан-Насой”**. Муаллифлар: Шайх Канкуҳий (ваф. 1323 х.) ва Шайх Муҳаммад Закариё

Жами:	Муттаҳам (шубҳали)	Матрук (тарк қилинган)	Мункар ал-ҳадис (инкор этилган ҳадис)	Лайн ал-ҳадис (сўзи кучсиз)	Лайса биқовий (кучли эмас)	Заиф (кучсиз)	Мажхул ал-ҳол ав ал-мастур (номаълум ёки яширин)	Мажхул (номаълум)	мусанниф
332	1	5	3	28	1	51	55	188	Абу Довуд
136		1	1	13	2	19	10	90	Насой

²³ 74 хижрий санада вафот этган, бир неча Имом Бухорийга ўхшаган муҳаддислар унинг китобларини 170 хижрий санада ёқиб юборилганлигини ўз китобларида ёзганлар.

Кандехлавий (ваф. 1402 х.). Ҳиндистондаги Сахоранфур шаҳри Халийла нашриётида чоп этилган.

5. **“Ровдат ар-Рубо шарҳ ал-Мужтабо”**. Муаллиф: Шайх Ваҳид Замон Лакхнавий.

6. **“Шуруқ анвор ал-Минан ал-Кубро ал-Илахия бикашифи асрор ас-Сунан ас-Сузро ан-Насоия”**. Муаллиф: Шайх Муҳаммад Мухтор Шиқитий (ваф. 1405 х.).

7. **“Ат-Таълиқот ала Сунан ан-Насоий”**. Муаллиф: Аллома Абу Тоййиб Муҳаммад Атоуллоҳ Ҳаниф Фуважёнӣ (ваф. 1409 х.). Бу китобда бир неча фойдали хошиялар тўпланган улар:

А) **“Заҳр ар-Рубо ала ал-Мужтабо”**.

Б) **“Хошия ас-Синдий”**.

В) **“Ал-Ҳошия ал-Жадийда”**. Муаллифлар: Шайх Абу Абдурахмон Муҳаммад Фунжонӣ Деҳлавӣ (ваф. 1315 х.) ва Шайх Аллома Абу Яҳё Муҳаммад ибн Кифоятуллоҳ Шоҳжаҳонфурий (ваф. 1338 х.).

Г) **“Таълиқ”**. Муаллиф: Шайх Ҳусайн ибн Муҳсин Ансорӣ Ямний (ваф. 1327 х.). Мазкур шарҳ илмийлиги жиҳатидан энг яхши шарҳлардан ҳисобланади.

8. **“Захира ал-Уқбо фий шарҳ ал-Мужтабо”**. Муаллиф: Шайх Муҳаммад ибн Алий Одам Асубӣ Валлавӣ. Дору Оли Барум нашриётида 1425 ҳижрий санада чоп этилган.

Бу шарҳлардан ташқари Шайх Абдурашид Ироқийнинг **“Жухуд уламои аҳл ал-ҳадис фий нашири ал-ҳадис”** китобида яна кўплаб шарҳлар ёзилганлиги кўрсатиб ўтилган.

II. Чоп қилинмаган асарлар:

1. **“Шарҳ Сунан ан-Насоий”**. Муаллиф: Абу Аббос Аҳмад ибн Абувалид ибн Рашид (ваф. 563 х.).

2. **“Ал-Имъан фий шарҳ мусаннаф ан-Насоий”**. Муаллиф: Абу Ҳасан Алий ибн Абдуллоҳ ибн Неъмат (ваф. 567 х.).

3. **“Шарҳ Сунан ан-Насоий”**. Муаллиф: Абу Мухосин Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳасан ибн Ҳамза Ҳасайний Дамашқӣ (ваф. 765 х.).

4. **“Шарҳ Сунан ан-Насоий”** Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Айюб Хумсий (ваф. 844 х.).

5. **“Тайсир ас-Сайро шарҳ ал-Мужтабо мин са-Сунан ал-Кубро”**. Муаллиф: Абдурах-

мон ибн Амад ибн Ҳасан Баҳкалий (ваф. 1248 х.).

Имом Насоийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси жуда катта бўлганлигини, шогирдлари ва кейинги давр муҳаддислари нафақат унинг асарларга юқоридаги шарҳларда, балки ҳадислар тўплашидаги ровийларни ўрганиш, саралаш уларга қўйган талаблари борасида ўзига хос усуллари ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб борганларида ҳам кўриниб турибди.

Масалан:

1. **“Тасмия аш-Шуюх Аби Абдурахман ан-Насоий”**. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Асад Жуҳаний Андалусӣ. Мазкур асар Насоийнинг Андалусиялик шогирдлари томонидан таълиф этилган бўлиб, муҳаддиснинг устозлари ҳақидадир.

2. **“Шуюх ан-Насоий”**. Абу Алий Ҳусайн ибн Муҳаммад Жийёнӣ (х. 427–498) (бу асар ҳам муҳаддиснинг устозлари ҳақидадир).

3. **“Рижол ан-Насоий”**. Абу Муҳаммад Абдуазиз ибн Муҳаммад Дуруқӣ (ваф. 524 х.). Бу асар “Ал-Мужтабо”да келган ровийлар таҳлили ҳақидадир.

4. **“Шуюх ан-Насоий”**. Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Халфун Азадий (ваф. 636 х.) (бу асар ҳам муҳаддиснинг устозлари ҳақидадир).

Хулоса қилиб айтганда “Ал-Мужтабо” асарининг аҳамияти тадқиқотлар жараёнида яна ҳам ошиб боришига шубҳа йўқ. Бугунги кунимизда бу каби асл манбаларни чуқурроқ ўрганиш, уларни илмий тадқиқ этиш долзарб масала бўлиб бормоқда. Чунки кун сайин соф ислом дини таълимотларини нотўғри тушуниш билан боғлиқ бўлган муаммолар вужудга келмоқда. Бугун баъзи тоифалар тамонидан манбаларни нотўғри талқин қилиниши нақадар аянчли вазиятларга олиб келаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Юзага келаётган турли ҳил ихтилофларга барҳам бериш, диний муросасизлик каби ўта оғир муаммолар ечимини топиш, соф ислом маърифатини ўрганиб тўғри талқин қилиб, тўғри хулоса чиқариш аҳли илм олдидagi долзар вазифа бўлиб қолмоқда.